

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Абдурашидова Гўзал Ақром қизи,
Мустақил тадқиқотчи, Тошкент, Ўзбекистон*

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE ACCOUNTING OF FINANCIAL RESULTS IN BUSINESS SUBJECTS

*Abdurashidova Gozal,
Independent researcher, Tashkent, Uzbekistan*

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мақолада кластерда молиявий натижаларни молиявий ҳисоботда акс эттирилган. Молиявий натижалар ҳисоботи маълумотлари асосида рентабеллик кўрсаткичларини аниқланган. Молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботида оид муаммоларни бартараф этиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантирилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари ўрганиб чиқилган.

Abstract. In the article, the financial results of the Cluster are reflected in the financial report. Profitability indicators were determined based on the data of the financial results report. Elimination of problems related to accounting and reporting of financial results, information on financial results is formed at the level of international standards. Also, directions for improving the accounting of financial results in economic entities were studied.

Keywords: financial result, financial report, income, cost, international standard

Калим сўзлар: молиявий натижа, молиявий ҳисобат, даромад, харажат, халқаро стандарт.

Кириш. Айни пайтда бутун дунё миқёсида молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда.

Ваҳоланки, жаҳоннинг кўпгина давлатлари фонд биржаларида акциялари жойлаштирилган компаниялардан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишнинг долзарблигини янада оширмоқда. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини таъминлаш, молиявий натижалар кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш»² мақсадининг қўйилиши ҳам ташкилотларда даромадлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Материал ва метод. Мамлакатимизда қуйлай инвестицион муҳитни шакллантириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида миллий бухгалтерия ҳисоби

тизимига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари таркибида "Мижозлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум" номли 15-сон МҲХС мавжуд бўлиб, мазкур стандарт хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

И.ф.д., профессор А.З.Авлоқулов таъкидлашича, "Мижозлар билан

тузилган шартномалар бўйича тушум" номли 15-сон МҲХС молиявий ҳисоботларда оддий фаолиятдан олинадиган даромадларни баҳолаш, аниқлаш, ҳисобга олиш ва акс эттириш учун МҲХС тизимида илгари қўлланилган ёндашувни сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Бухгалтерия ҳисобини МҲХСга мослаштиришга қаратилган умумий йўналиш бухгалтерия ҳисоби қоидаларини қайта кўриб чиқишни талаб этади".

«Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСга биноан товарлар ва хизматларни тан олишга олиб келадиган вазиятлар

ташкilot ишлаб чиқарган товарларни сотиш

ташкilot томонидан сотиб олинган товарларни қайта сотиш

ташкilot томонидан сотиб олинган товарлар ёки хизматларга бўлган ҳуқуқларни қайта сотиш

мижоз учун шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши

товарлар ёки хизматларни тақдим этишга тайёр бўлишдан иборат бўлган хизматларни кўрсатиш ёки мижоз томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда фойдаланиш учун товарлар ёки хизматларни у томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиш

бошқа тараф мижозга товарлар ёки хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш

мижоз қайта сотиши ёки харидорга етказилиш мумкин бўлган келажакда тақдим этиладиган товарлар ёки хизматларга ҳуқуқлар бериш

мижоз номидан активни куриш, ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқиш

лицензиялар бериш

қўшимча товар ёки хизматлар харид қилишга опционлар бериш

1-расм. «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСга мувофиқ товарлар ва хизматларни тан олишга олиб келадиган вазиятлар

Ҳозирги давр тушумни халқаро ҳисобга олиш масаласида ўтиш даври сифатида тавсифланиши мумкин. Хусусан, бугунги кунда МҲХС тизимида «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХС янги стандарти киритилган. «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХС «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» номли 11-сон БҲХС ҳамда «Тушум» номли 18-сон БҲХС талабларини ҳам ўз ичига қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида тушумни ҳисобга олиш бўйича «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар» номли 2-сон БҲМС мавжуд. «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСга мувофиқ товарлар ва хизматларнинг тан олишга олиб келадиган вазиятлар 1-расмда келтирилган.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «тушум», «мижоз» ва «шартнома» тушунчаларига таъриф берилмаган. Товарлар ва маҳсулотларни сотишдан олинган тушумлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда олинган маблағлар – қисқача

айтганда, тушумлар одатий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХС ва «Асосий хўжалик жараёнларидан тушган даромадлар» номли 2-сон БҲМСда даромадга худди шундай таъриф берилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида шартнома тушунчасига таъриф берилган. Ушбу таъриф умуман олганда, «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСда келтирилган шартнома талқинига мос келади: икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги битим шартнома деб тан олинади. МҲХСда келтирилган миқдор тушунчасининг таърифига асосланиб, мазкур атамани «харидор» ва «буюртмачи» тушунчаларига қараганда кенгрок маънога эга, деб ҳисоблаймиз.

Энди тушумни ҳисобга олиш қоидаларига ўтамиз. «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСда тушумни ҳисобга олиш учун беш босқичли алгоритмдан фойдаланилади.



2-расм. «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲХСда тушумни ҳисобга олишнинг бешта босқичли алгоритми

Амалиётда мижоз билан шартнома мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам муайян шартлар юзага келади. Агар шартноманинг ҳар бир томони бошқа томонга товон тўламасдан, бирон бир қисмда бажарилмаган шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шартнома мавжуд эмас деб ҳисобланади. Қуйидаги ҳолатларда шартнома ҳеч қандай қисмда бажарилмаган ҳисобланади: ташкилот ҳали ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни мижозга етказиб бермаган бўлса; ташкилот ҳали ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар эвазига пулни қайтариб олмаган ва олишга ҳақли бўлмаса;

Шартномани тан олишнинг бешта шартига мувофиқлигини таҳлил қилиш қоидаларига қуйидагиларни ўз ичига олади: агар шартнома тузиш пайтида тушумни тан олишнинг бешта шартига жавоб берса, у ҳолда шартномани ушбу шартларга мувофиқлигини қайта таҳлил қилиш фақат сезиларли ўзгаришлар белгилари мавжуд бўлганда талаб қилинади; агар шартнома тушумни тан олишнинг бешта шартига жавоб бермаса, у ҳолда тан олиш шартлари кейинроқ бажарилганлигини аниқлаш учун бундай шартномани доимий равишда кўриб чиқиш талаб этилади.

«Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МҲҲСга биноан мижоздан олинган товонни тан олиш шартлари белгиланган. Агар мижоз билан тузилган шартнома тушумни тан олишнинг бешта тан олиш шартига жавоб бермаса ва корхона мижоздан товон оладиган бўлса, у ҳолда:

1) корхона олинган товонни фақат қуйидаги ҳолларда тушум сифатида тан олади: корхона товар ёки хизматларни мижозга ўтказиш мажбурияти йўқ ва мижоз томонидан ваъда қилинган товоннинг ҳаммаси (ёки деярли барчаси) ташкилот томонидан олинган ва қайтариб берилмайди; ёки шартнома бекор қилинган ва мижоздан олинган компенсация қайтарилмайди;

2) корхона мижоздан олинган тўловни олдиндан аниқланган юқоридаги иккита ҳодисадан бири содир бўлгунга қадар ёки тан олишнинг олдинги бешта шarti бажарилгунга қадар мажбурият сифатида тан олиши керак. Шартномага тааллуқли ҳолатларга қараб, тан олинган мажбурият корxonанинг товарлар ёки хизматларни келажакда ўтказиш ёки олинган тўловни қайтариш мажбуриятини ифодалайди.

Натижа. Шартноманинг бошланишида ташкилот ҳар бир олдиндан кўрсатилган ваъдани бажарилиши лозим бўлган мажбурият сифатида аниқлаши ва мижоз билан тегишли шартнома бўйича ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни баҳолаши керак. Мижозга ваъда қилинган товар ёки хизмат қуйидаги икки шартга амал қилинган ҳолатда алоҳида ҳисобланади: 1) мижоз товар ёки хизматдан яқка ўзи ёки мижоз эркин фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда фойдаланиши мумкин бўлса; 2) корxonанинг товар ёки хизматни мижозга етказиб бериш ваъдаси шартномадаги бошқа ваъдалардан алоҳида аниқланиши мумкин бўлса.

Алоҳида товарлар ёки хизматлар мижозга худди шу тарзда ўтказилиши ҳисобга олинмаган мезонларга қуйидагилар киради:

1. Ташкилот мижозга топширишни ваъда қилган алоҳида товарлар ёки хизматлар тўпламидаги ҳар бир алоҳида товар ёки хизмат ҳисобот даври мобайнида бажарилган мажбурият ҳисобланади ва улар қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

а) мижоз бир вақтнинг ўзида кўрсатилган мажбуриятни бажараётган корхона билан боғлиқ имтиёزلарни олади ва тасарруф этади;

б) корxonанинг мажбуриятини қондириш жараёнида актив (масалан, тугалланмаган ишлаб чиқариш) яратилади ёки такомиллаштирилади, бу активнинг яратилиши ёки

такомиллаштирилиши натижасида мижоз унинг устидан назоратни олади;

с) корхонанинг ўз мажбуриятини бажариши корхона муқобил мақсадларда фойдаланиши мумкин бўлган активнинг яратилишига олиб келмайди ва корхона шартнома бўйича бажарилган ишларнинг шу кунгача бажарилган қисми учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга;

2) мижозга ҳар бир алоҳида товар ёки хизматни бир қатор алоҳида товарлар ёки хизматларда топшириш мажбуриятини қондириш даражасини баҳолаш учун худди шу усул қўлланилади.

Молиялаштиришнинг муҳим таркибий қисми учун ваъда қилинган тоvon миқдорига тузатиш киритишда, шартноманинг бошланишида корхона ва унинг мижози ўртасидаги алоҳида (муस्ताқил) молиялаштириш операциясига нисбатан дисконт ставкаси қўлланилади. Ушбу ставка шартнома бўйича молиялаштиришни олувчи томоннинг кредитга лаёқатлилигини ва мижоз томонидан тақдим этилган гаровни, шу жумладан шартнома бўйича берилган активларни акс эттиради. Корхона ваъда қилинган тоvon тўловининг номинал миқдорини мижоз тоvar ёки хизматлар учун нақд пулда тўлаш вақтида тўлаши керак бўлган нархга дисконтлаш ставкасини қўллаш орқали бундай ставкани аниқлаши мумкин.

Шартнома тузилгандан сўнг, ташкилот фоиз ставкаларининг ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар (масалан, мижознинг кредит рискин баҳолашдаги ўзгариш) учун дисконт ставкасини ўзгартирмаслиги керак. Корхона молиялаштириш таъсирини (фоиз даромадлари ёки фоиз харажатлари) ялпи даромад тўғрисидаги ҳисоботда мижозлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлардан алоҳида кўрсатиши керак. Фоиз даромадлари ёки фоиз харажатлари фақат мижоз билан тузилган шартномани ҳисобга олишда шартнома активи (ёки дебиторлик қарзи) ёки шартнома мажбурияти тан олинган тақдирдагина

тан олинади;

4) нақд пулсиз тоvon - мижоз нақд пулдан бошқа шаклда тўлашни ваъда қилган шартномалар бўйича операция нархини аниқлашда бундай нақд пулсиз тоvon тўлови жорий қиймат бўйича баҳоланади. Эслатиб ўтамиз, кўрсатилган қийматни аниқлашнинг умумий қоидалари ҳозирда «Жорий қийматни баҳолаш» номли 13-сон МҲХСда келтирилган. Агар ташкилот нақд пулсиз тўловнинг жорий қийматини асосли равишда баҳолай олмаса, у ҳолда тоvon эвазига алмаштириш учун мижозга ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг муस्ताқил сотиш нархига асосланиб билвосита ўлчаш керак. Нақд пулсиз тўловнинг жорий қиймати тўлов шаклига қараб ўзгариши мумкин;

мижозга тўланиши лозим бўлган тўлови корхона мижозга (ёки мижоздан корхонанинг товарлари ёки хизматларини сотиб олган бошқа шахсларга) тўлайдиган ёки тўламоқчи бўлган пул суммаларини ўз ичига олади.

Кўрсатилган тоvon тўлови, шунингдек, ташкилотга (ёки мижоздан тоvar ёки хизматларни сотиб олган бошқа томонларга) қарз суммаларига ҳисобдан чиқарилиши мумкин бўлган кредит ёки бошқа тўловларни ўз ичига олади. Ташкилот мижозга тўланиши керак бўлган тоvon тўловини, агар мижозга тоvon тўлови мижоз ташкилотга ўтказадиган алоҳида тоvar ёки хизмат эвазига бўлмаса, битим қиймати ва демак, даромаднинг пасайиши сифатида ҳисобга олиши керак. Агар мижозга тўланиши керак бўлган тоvon тўлови ўзгарувчан суммани ўз ичига олган бўлса, ташкилот аввал тавсифланган ўзгарувчан тоvon тўловини баҳолаш қоидаларига мувофиқ битим нархини баҳолаши керак.

Товар ёки хизматни алоҳида ҳолда сотиш нархини баҳолаш мумкин бўлган усулларга мисоллар:

1) тузатиш киритилган бозор баҳосига асосланган ёндашув (ташкилот ўзи тоvar ёки хизматлар сотадиган бозорни таҳлил қилиши ва ушбу бозордаги мижоз бундай тоvar ёки

хизматлар учун тўлашга тайёр бўлган нархни аниқлаши мумкин. Мазкур ёндашувда хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатчиларнинг нархларидан фойдаланиш ва ушбу нархларга корхона харажатлари ва маржаларини акс эттириш учун зарур бўлган даражада тузатиш киритишларни кўзда тутиши мумкин);

2) маржани ҳисобга олган ҳолда кутилаётган харажатларга асосланган ёндашув. Мазкур ёндашувга кўра ташкилот бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажариш борасида кутилаётган харажатларини башорат қилиши, сўнгра ушбу товар ёки хизмат учун тегишли маржани қўшиши мумкин;

3) қолдиқ ёндашуви, мазкур ёндашувга кўра ташкилот шартнома бўйича ваъда қилинган бошқа товарлар ёки хизматларни алоҳида ҳолда сотиш нархини баҳолаши мумкин. Бироқ ташкилот ушбу ёндашувдан қўйидаги шартлардан бирига риоя қилишдагина фойдаланиши мумкин

а) корхона бир хил товар ёки хизмат бўйича турли хил мижозлардан (бир вақтнинг ўзида ёки деярли бир вақтда) сезиларли даражада фарқ қиладиган суммалар олса (яъни, сотиш нархи жуда ўзгарувчан, чунки одатдаги алоҳида ҳолда сотиш нархи олдинги ҳисобот даврларидаги операциялар ёки бошқа кузатилиши мумкин бўлган далиллар асосида яққол кўринмайди);

б) ташкилот ҳали мазкур товар ёки хизмат учун нарх белгиламаган ва товар ёки хизмат аввал алоҳида сотилмаган бўлса.

Агар бир нечта бундай товарлар ёки хизматлар жуда юқори даражада ўзгарувчан ёки алоҳида ҳолда сотишнинг ноаниқ нархларига эга бўлса, шартнома бўйича ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар алоҳида ҳолда сотиш нархини баҳолаш учун турли усуллардан фойдаланиш керак бўлади.

«Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» номли 15-сон МХХСга биноан тушумни ҳисобга олишнинг охирги, бешинчи босқичи шартнома

бўйича ташкилот мажбуриятини бажариш вақтида тушумни тан олиш ҳисобланади. Шартнома бўйича ташкилот мажбуриятини бажариш вақтида тушумни тан олиш бўйича асосий талаблар 3.7-расмда акс эттирилган.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида ташкилот мазкур даврда мажбуриятнинг бажарилиш даражасини қайта кўриб чиқиши керак.

Бажариш даражасини баҳолаш усулини қўллашда ташкилот уларнинг устидан назоратни мижозга етказиббермаган товарлар ёки хизматларни бажариш даражасини баҳолашдан чиқариши ва аксинча, бажарилиши лозим бўлган мажбуриятни бажарган ҳолда ташкилот улар устидан назоратни мижозга берган товарлар ёки хизматларни бажариш даражасини баҳолашга киритиши лозим.

Вақт ўтиши билан вазият ўзгарганида ташкилот мажбуриятларни бажариш натижаларини акс эттириш учун уларни бажариш даражасини баҳолашни янгиллаши лозим. Бундай ўзгаришлар «Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳоларида ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон БХХСга мувофиқ баҳолаш қийматларидаги ўзгаришлар сифатида ҳисобга олиниши керак.

Агар ташкилот мажбуриятнинг қай даражада бажарилганлигини асосли равишда баҳолай олсагина, ҳисобот даври мобайнида бажарилиши лозим бўлган мажбурият бўйича тушумни тан олиши керак.

Ташкилот мажбуриятларни бажариш даражасини баҳолашга тегишли усулни қўллаш учун талаб қилинадиган етарли ва ишончли маълумотга эга бўлмаса, у бажарилиши лозим бўлган мажбуриятни бажариш даражасини асосли баҳолай олмайди.

Хулоса. Сотилган маҳсулотларнинг таннархини 9111-«Сотилган маҳсулотларнинг таннархи» ҳамда 9112-«Сотилган ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи» номли алоҳида ишчи счётларида ҳисобга олиш зарур. Бу орқали корхоналарда сотилган



маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи тўғрисида аналитик бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, сотилган маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиб бориш имконияти яратилади. Асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда оператив тарзда даромадни ҳисоблаш ва харажатларни назорат қилиб бориш учун маржинал

даромадни аниқлаш зарур. Бу ўз набатида, пахта-тўқимачилик кластерларида асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда маҳсулотлар ҳажмини бошқариб бориш, оператив даромадларни ҳисоблаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзгарувчан харажатларни назорат қилишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш бўйича Қарори. 1999 йил 5 февраль, 54-сон. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 986-сонли Қарори 2019 йил 12 декабрь, <https://lex.uz/docs/4640331>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида» Низом. 2021 йил 4-декабрдаги ВМ № 733-сонли Қарори.
4. Ali, U. (2015). Cost and Management Accounting Practices: A Survey of Manufacturing Companies in India. *International Journal of Research and Development - A Management Review (IJRDMR)*, 4(4).
5. Alahdal W.M., Alsamhi M.H., T. "Prusty The Role of Cost Accounting System in the Pricing Decision-Making in Industrial Companies of Taiz City, Yemen" *International Academic Journal of Accounting and Financial Management* Vol. 3, No. 7, 2016, pp. 70-78. ISSN 2454-2350.
6. Al-Basteki, H. & Ramadan, S. (1998). A Survey of Activity-Based Costing Practices in Bahraini Manufacturing Firms. *Economics and Administration*, 11(1).
7. Azad, R., Azad, R., Azad, K., & Akbari, F. (2016). The Effect of Cost Accounting System Inventory on Increasing the Profitability of Products. *Journal of Industrial and Intelligent Information* Vol, 4(1).
8. Ahadi, A. & Azar, F. (2016). The study of the possibility of using activity-based costing system (ABC) (Case Study: General Directorate of Roads and Urban Development of East Azerbaijan Provinc. *International Academic Journal of Accounting and Financial Management Accounting*.